

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 6, ISSUE 1



ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES
№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2023-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабилова Умида Фархадовна
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Негматова Шахзода Шухратовна
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук, (Узбекистан)

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор (Россия)
Рожанский Михаил Яковлевич
кандидат философских наук (Россия)
Маматов Нормурат
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Камалова Хатира Сабыровна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Тагиева Гулсум Гафуровна
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Акулич Мария Михайловна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Каримов Бобир Шаропович
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

Антонио Алонсо Марсос
доктор политических наук, профессор (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Виктор Агаджаньян
доктор философии по социологическим наукам,
профессор (США)
Абдулазизов Абдулвохид Хабибуллович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович
доктор философии по социологическим наукам,
и.о. доцент (Узбекистан)

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Аликариев Нуритдин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Николов Стефан
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)
Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Толипов Файзулла Саидович
кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор (Китай)
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)
Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Махкамов Қодиржон Одилжонович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Комил Каланов СИФАТЛИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЖТИМОЙ КОНТРАСТНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ КОНТУРИ.....	4
2. Аълохон Аликариева ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ КВАЛИМЕТРИК ТАҲЛИЛИ.....	14
3. Моҳира Халикова ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ АХБОРОТ ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ДЕТЕРМИНАНТИ СИФАТИДА.....	22
4. Раъно Исмайлова ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ШАҲСЛАРНИ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК-ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ РОЛИ.....	30
5. Кахрамон Каюмов ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	38
6. Бехзод Эрназаров МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК МУАММОЛАРИДА ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИ ДИНАМИКАСИ.....	48
7. Хилола Хайдарова ШАҲАР ЭКОТИЗИМИДА БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОЙ ХОТИРА.....	54
8. Xasan Akramov SOG‘LOM TURMUSH TARZINING NAZARIY ASOSLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	61
9. Хуршед Тошқулов СОЦИАЛ ДАВЛАТДА ИНСОННИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ.....	67
10. Mohinur Ahmedova GLOBALLASHUV DAVRIDA AXBOROT SIYOSATI VA UNING ASOSIY XUSUSIYATLARI.....	75
11. Сабохат Каланова ЗАМОНАВИЙ АВЛОД ВА СОЦИОМАДАНИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ.....	84
12. Dilnoza Sultonova TALABALARDA IJTIMOY FAOLLIK KO‘NIKALARINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM OMILLARI.....	92

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Раъно Исмайлова,


психология фанлари номзоди,

Низомий номидаги ТДПУ

«Амалий психология» кафедраси доцент в.б.

e-mail: ranohon2013@gmail.com

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК-ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ РОЛИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7796874>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш борасида аҳоли орасида оилавий зўравонликка учраган шахсларга ҳимоя ордери бериш ва уни амалиётга татбиқ этишнинг хусусиятлари кўриб чиқилган. Шунингдек Марказий Осиё давлатларининг ҳам оиладаги зўравонликка қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилигини таҳлили ўтказилган ҳамда аҳоли орасида ҳимоя ордери ва унинг берилиш тартиби ҳақидаги тасавурларни ва ижтимоий-психологик ёрдам олишда ҳимоя ордерининг аҳамиятини ўрганиш учун ўтказилган онлайн сўровнома натижалари ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, оиладаги зўравонлик, гендер зўравонлик, ҳимоя ордери, чеклов, ёшлар, жамоатчилик фикри,

Раъно Исмайлова,

кандидат психологических наук, и.о. доцент кафедры

“Практическая Психология” ТГПУ им. Низами

e-mail: ranohon2013@gmail.com

РОЛЬ ЗАЩИТНОГО ОРДЕРА В СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКЕ ЛИЦ, ПОДВЕРГШИХСЯ ДОМАШНЕМУ НАСИЛИЮ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены особенности выдачи и применения защитного ордера лицам, подвергшимся насилию в семье, в целях защиты прав и законных интересов женщин Республики Узбекистан, повышения их роли и активности в социально-политической жизни страны, обеспечения гарантий гендерного равенства. Анализируются законодательства стран Центральной Азии, связанных с борьбой против домашнего насилия. Приводятся результаты онлайн-опроса населения, посвящённого представлениям о понятии «охранный ордер», правил его выдачи и использования, а также роль защитного ордера в активизации получения социально-психологической помощи.

Ключевые слова: Центральная Азия, домашнее насилие, гендерное насилие, охранный ордер, ограничение, молодежь, общественное мнение.

Rano Ismaylova,

candidate of psychological sciences (Ph.D), Associate Professor of the Department of “Practical Psychology”

TSPU named after Nizami

e-mail: ranohon2013@gmail.com

THE ROLE OF THE PROTECTION ORDER IN SOCIO-PSYCHOLOGICAL SUPPORT FOR PERSONS SUFFERED IN DOMESTIC VIOLENCE

ANNOTATION

The article considers the peculiarities of issuing and applying a protective order to persons who have been subjected to domestic violence in order to protect the rights and legitimate interests of women of the Republic of Uzbekistan, increase their role and activity in the socio-political life of the country, and ensure guarantees of gender equality. The legislation of Central Asian countries related to the fight against domestic violence is analyzed. The results of an online survey of the population devoted to ideas about the concept of a "protective order", the rules for its issuance and use, as well as the role of a protective order in the activation of receiving social and psychological assistance are presented.

Key words: Central Asia, domestic violence, gender-based violence, protection order, restriction, youth, public opinion.

КИРИШ.

Замонавий жамиятда хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг эркин, тўлиқ ва самарали иштироки ҳамда етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлатнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Аёллар бутун ҳаёти давомида жинсга асосланган зўравонлик ва камситилишнинг турли шаклларида дуч келадилар ва уларга қонуний ҳуқуқлар ва соғлиқни сақлаш, таълим ва адолат каби асосий хизматлардан тенг фойдаланиш имконияти берилмайди. Бутун дунёда 5 ёшгача бўлган ҳар 4 боладан бири ўз турмуш ўртоғи томонидан зўравонликка учрайдиган она билан яшайди. 119 та мамлакатда аёллар режалаштирилмаган ҳомиладорликка оид қонуний чекловлардан азият чекадилар 24 та мамлакатда аёллар турмуш ўртоқларининг истак ва хоҳишларига биноан касбий фаолият турини танлайдилар [1]. Гендер тенгсизлиги нафақат бутун дунёдаги миллионлаб аёллар ва қизларнинг жисмоний, руҳий саломатлигига салбий таъсир қилади, шунингдек, бу нотенглик бутун жамиятнинг ривожланишини орқага тортади.

Глобал ҳамжамият хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг турли кўринишдаги зўравонликлар, хусусан, эрта турмушга бериш, мажбурий ёхуд исталмаган никоҳ каби гендерга асосланган зўравонликка қарши кураш масалалари биюлан узоқ йиллардан бери халқаро даражада курашиб келмоқда. Бунда турли нуфузли халқаро анжуманлар орқали мазкур муаммога қарши хабардорликни глобал даражада таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Копенгаген (1980), Найроби (1985), Пекин (Пекин декларацияси ва ҳаракатлар платформаси яратилди) (1995), Аҳоли ва Ривожланиш бўйича халқаро конференция (Қоҳира, 1994) ва Аёллар – 2000: Гендер тенглик, Тараққиёт ва Тинчлик (New York, 2000) ҳамда Пекин+25 (2020) конференциялари шулар жумласидандир. Шунингдек бир қатор халқаро норматив, ҳуқуқий ҳужжатлар, Пакт, Конвенсия, Декларация ва протоколлар гендер тенглиги масаласининг халқаро фундаментал ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб қўйган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро

пакт (ICCPR) ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICESCR) Пекин декларацияси ва ҳаракатлар платформаси, БМТнинг 13/25 резолюцияси, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) каби халқаро ҳужжатларнинг барчасида инсон шахс сифатида инсон ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, жинсий мансублик ва бошқа алоҳида имтиёз ва устуворликлар камситишларга асос бўлмаслиги алоҳида таъкидланган.

МЕТОДОЛОГИЯ.

Тадқиқот материали асосан Марказий Осиё давлатларида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш учун қабул қилган қонунлар таҳлили, хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар, шунингдек, оилавий зўравонлик муаммосини ёритувчи расмий веб-сайтлар маълумотларига муроажат этилди. Эди. Керакли мавзулар бўйича илмий нашрлар ва веб-маълумотлар танлаб олингандан сўнг, Ўзбекистонда статистик маълумотларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари, оиладаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш хусусиятлари ва унга қарши курашиш чоралари, шунингдек, уни мамлакатдаги вазият билан таққослаш учун тавсиф усули қўлланилди.

Жамиятнинг барча институтлари сингари, оила ва жамият учун муҳим функцияларни амалга ошириш учун қабул қилинган меъёрлар ва тартиблар тизимини тақдим этади. Оила фарзандлар тарбиясини таъминлайдиган ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжларни қондирадиган никоҳ ёки қариндошлик муносабатлари билан боғланган одамлар гуруҳи сифатида тавсифланади. Дунё жамиятларидаги оилавий функциялар бир-биридан кам фарқ қилади, одамларнинг уларни бажаришга уринишлари эса жуда хилма-хилдир. Ҳар бир жамият ўзига хос оила, унинг тузилиши, шакли ва ўз функцияларига эга.

Ҳар қандай замонавий давлатнинг нуфузи фуқаролар ва жамиятдаги оиланинг ижтимоий-иқтисодий таъминоти ва албатта хавфсизлиги қандай таъминланиши билан белгиланади. Бу шахснинг ва ижтимоий гуруҳнинг таҳдидлар ва унинг ҳаётий манфаатлари бузилишидан ҳимояланиш ҳолати, эркин яшаш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади.

Инсон ҳаётига таҳдидлар нафақат бегоналар томонидан, балки яқинлар томонидан ҳам содир бўлиши аянчли ҳол албатта. Оиладаги зўравонлик нафақат оилавий муаммолар, зўравонлик билан боғлиқ жиноятларга, балки жамиятдаги беқарорликка ҳам олиб келиб, давлат ва жамиятга иқтисодий зарар келтиради. Оиладаги зўравонлик муаммоси, инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб бошқа муаммолар сингари, бутун дунёда долзарбдир.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Зўравонлик инсонларнинг ирқий, маданий, диний, ижтимоий-иқтисодий фарқлардан катъи назар, оилаларда содир бўлиши мумкин. Ушбу муаммо кўп йиллардан буён нуфузли халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда, уларнинг ташаббуси билан ушбу соҳада мунтазам конференциялар ва тадқиқотлар ўтказилиб, тавсиялар ва намунавий қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Европа Кенгашининг расмий веб-сайтида ҳар куни Европадаги аёлларнинг 12 дан 15 фоизигача оилавий зўравонликларга дучор қилинаётгани ва БМТнинг расмий веб-сайтида ҳар учинчи аёл ҳаётида камида бир марта зўравонлик қурбонига айлангани айтилган. Кўриниб турибдики, халқаро ташкилотлар бу муаммога жуда жиддий ёндашади ва иштирокчи давлатларини ушбу муаммога безътибор бўлмаслиги учун қатор халқаро ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларни қабул қилиб, ушбу ҳужжатлар асосида иш олиб боришга даъват этиб келмоқдалар. Бугунги кунда оиладаги зўравонлик нафақат инсон ҳуқуқларини бузиш, балки оила ривожланишига сезиларли даражада тўсқинлик қиладиган ва умумэтироф этилган кадриятларни бузадиган омил сифатида ҳам қабул қилинмоқда. Оиладаги зўравонлик ҳолатларини танлаб ўрганиш натижасида уларнинг асосий сабаблари сифатида: оилавий муносабатлар маданиятининг пастлиги, қашшоқлик, ижтимоий аҳвол, зўравонлик қурбонининг моддий ва психологик қарамлиги, шаклланган сохта стереотиплар, алкоголь ёки гиёҳвандлик ва бошқалар кўрсатилади. Оиладаги зўравонлик нафақат муайян ҳолатда оила аъзолари ўртасида муносабат ўрнатишдаги қийинчиликлар оқибатида уларнинг бузилиши, балки оилавий асослар ва ахлоқий кадриятларнинг йўқолиши билан ҳам боғлиқ.

Оиладаги зўравонлик натижасида ожиз оила аъзолари калтакланиш, ҳар хил безорилик ва ҳақоратларнинг қурбонига айланишади. Бундай шароитда ўсган бола эса, ёшлигидан оғир руҳий жароҳатни олади: ҳар кунги зўравонлик у учун одатий ҳолга айланади, кейин бу унинг шахсий одатига айланади ва кейин уни ўз ҳаётида бошқаларга нисбатан такрорлайди.

Оиладаги зўравонликнинг тизимли характерга эга бўлиши унинг асосий хусусиятларидан биридир. Бу оиладаги зўравонлик тасодифий, бахтсиз ҳодиса ёки бир эпизод эмас, балки вақт ўтиши билан (жисмоний, жинсий, психологик ва иқтисодий) зўравонликнинг бир неча бор такрорланадиган ҳодисаларини англатади [2]. Оилада битта турдаги зўравонлик (психологик) ёки бир неча турдаги зўравонлик биргаликда (психологик, иқтисодий) доимий равишда қўлланилиб келиши мумкин.

Инсон туғилган кундан бошлаб оила ижтимоий назорат институти бўлиб хизмат қилганлиги сабабли, болани ўзига хос қиёфаси ва ўхшашлиги билан "шакллантиради", энг сезгир ёшда шахс хусусиятларининг шаклланишига таъсир қилади, чунки оилавий таълимнинг роли қанча кучли бўлса у ижтимоий назоратнинг бошқа барча воситаларидан аҳамияти жиҳатидан устун туради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти зўравонликнинг асосий қурбонлари аёллар, болалар ва қарияларнинг, оиладаги яқин қариндошлари эканлигини таъкидламоқда. Зўравонликнинг турлари кўп бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида асосий тўрт тури - жисмоний, жинсий, руҳий ва иқтисодий зўравонлик кўрсатилган. Жаҳон ҳамжамияти ушбу муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда, шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёлларга нисбатан зўравонликни йўқ қилиш бўйича ишончли жамғармаси умумий қиймати 3,5 миллион долларлик грантларни эълон қилди.

Ушбу жамғарма дунё бўйлаб 20 тадан ортиқ мамлакатдан аёлларга нисбатан оилавий зўравонликни йўқ қилиш учун курашаётган 28 гуруҳ ва нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятларини олиб бориш учун ажратилган. Мақсадли жамғарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёлларни ривожлантириш жамғармаси (ЮНИФЕМ) томонидан бошқарилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг штаб-квартирасида грантларни эълон қилган ЮНИФЕМнинг ижрочи директори Нелине Хайзер оиладаги зўравонлик дунёнинг деярли барча мамлакатларида мавжудлигини ва бу яширин кундалик фожиа эканлигини таъкидлади.

Бугунги кунда дунёнинг 155 та давлатида оилавий зўравонликни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган бўлиб, 140 та давлатда иш жойида жинсий тазйиққа қарши қонунлар мавжуд. Кўпгина мамлакатларда оилавий зўравонликка қарши курашиш бўйича жуда кўп тажриба тўпланган.

АҚШ, Канада, Европа мамлакатларида оиладаги зўравонликка қарши кураш бир неча йўналишларда олиб борилмоқда: махсус марказлари, зўравонликдан жабр кўрган аёллар, болали аёллар, болалар учун бошпана яратиш; ижтимоий психологларнинг родини кучайтириш, махсус психологик хизматларни ташкил этиш, ижтимоий хизматни ташкил этиш, туну кун ишонч телефонларини яратиш, оилавий муносабатлар учун алоҳида судларни шакллантириш, "оиладаги зўравонлик" тушунчасини жиноят иш нуқтаи назаридан жиноий процессуал қонунчиликка ўзгартириш киритиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг родини кучайтириш, аҳолини оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш имкониятлари тўғрисида ахборот хизматларини кўрсатиш, содир бўлган маиший зўравонлик ҳолатлари тўғрисида полицияга (милиция) хабар бериш, оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш, ҳимоя ордерини беришдир.

Собиқ иттифоқ даврида оилада содир этилган зўравонлик жиноятчилигига бағишланган биринчи нашр 1976 йилда Д.А. Шестоков томонидан "Жиноятчилик ҳолатининг бир жиҳати тўғрисида"ги мақола бўлиб, кейинчалик у бир неча бор қайта нашр этилди [3, – С. 116–121]. Ушбу мақолада оилада зўравонлик билан содир этиладиган жиноятчилик концепциясини шакллантирилган.

Ўзбекистонда анча вақтгача оиладаги зўравонлик мавзуси турли сабабларга кўра жамоат манфаатлари доирасидан ташқарида бўлди, яъни “ёпиқ мавзу” эди.

Мустақил Ўзбекистонда илк бор 2000 йилларнинг бошларида оиладаги зўравонлик ҳақида мунозаралар бошланди. 2007 йилда илк бор “Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш” тўпламида Э.Файзуллаеванинг “Гендер зўравонлик” мақоласида оиладаги зўравонлик масаласи ёритилган [4, – Б. 314-347]. Муаллиф ушбу мақолада оиладаги зўравонликнинг бошқа турларидан асосий фарқини уйдаги зўравонлик яқин ёки қариндошлик алоқаларида бўлган, бир-бирлари учун хавф туғдирмайдиган ва аксинча бир-бирларини ҳимоя қиладиган ва бир-бирларига мадад берадиган деб ҳисобланувчи одамлар орасида содир бўлишини эътироф этади. Э.Файзуллаева оиладаги зўравонлик – мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқишини тушунтириш осон эмас, деб таъкидлайди.

Сўнгги йилларда фаоллашган оммавий ахборот воситаларида ва давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг фаоллари туфайли, юқоридаги баъзи йўналишлар аллақачон амалга оширилган ёки амалга оширилмоқда. Жазо билан таққослаганда зўравонлик профилактикаси ғояси, шубҳасиз, янада илғор ва истикболлидир.

Оилада зўравонликни олдини олиш комплекс тушунча бўлиб, давлат ва жамият, ижтимоий назорат институтларининг айрим фуқароларнинг ҳуқуққа хилоф хулқ-атвориغا таъсири тушунилади.

Ўзбекистонда 2018 йилдан буён Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлар тармоғи яратилди ҳамда 24 соат давомида мурожаат қилиш учун “ишонч телефонлари” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-5116-сон қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва жойларда 28 та ҳудудий ҳамда туманлараро намунали марказлар ташкил этилди.

Аҳоли ўртасида оиладаги зўравонлик мавзусида сўровномалар ўтказилади, сабаблари аниқланади, жабрланганларга ёрдам бериш усуллари ишлаб чиқилади, давлат идоралари ҳузурида марказлар ташкил қилинмоқда ва нотижорат ташкилотлари ҳам бу соҳада фаол иш юритмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан янги ҳуқуқий институт – ҳимоя ордери киритилди [5]. Ҳимоя ордери ўтган асрнинг 90-йилларида, БМТнинг "Оиладаги зўравонлик тўғрисидаги намунавий қонун ҳужжатлари" қабул қилингандан сўнг зўравонликдан ҳимоя қилиш воситаси сифатида кенг тарқалди.

Ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 4 январ кунидаги Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида Низом билан қайд этилган. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги Низомига мувофиқ Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ва унинг якуни бўйича тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини расмийлаштиради. Ҳимоя ордери бир ой муддатгача берилади. Агар ўн ёки ўттиз кунгача ҳимоя ордери тақиқлари бузиладиган бўлса, жавобгарликка тортиш чоралари кучайтирилади. Шу билан бирга, тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахсларнинг зиммасига жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, тазйиқ ва зўравонликдан сақлаш, унга ёрдам кўрсатиш учун махсус марказга жойлаштириш учун харажатлар, етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш, маънавий зарарни компенсация қилиш мажбурияти ҳам юклатилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда жами 14774 нафар жабрланувчига ҳимоя ордерлари тақдим этилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан олиб борилган. Статистик маълумотларга

қарайдиган бўлса, 2020 йил давомида жами бўлиб, 14.774 нафар аёлга ҳимоя ордери берилган бўлса, 2021 йил 4 ойи давомида 14.165 нафар аёлга ҳимоя ордери берилган [6]. ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Бош бошқармаси ахборот хизматининг маълум қилишича, 2022 йилнинг 9 ойида зўравонлик ва тазйиқдан жабрланган 37 959 нафар хотин-қизларга ҳимоя ордери берилган. Ҳимоя ордери расмийлаштирилган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш натижасида салкам 19 минг оила яраштирилган, 16 мингдан ортиқ низоли ҳолатларнинг сабаблари бартараф этилган. Мазкур муддат мобайнида 897 нафар аёлга ҳимоя ордери такроран берилган. Ўрнатилган чекловларга амал қилмаган 2 109 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган [7].

Ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонлик қурбони бўлган жабрланган хотин-қизларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан берилади. Жабрланган аёлларнинг турмуш ўртоғи ёки унинг яқин қариндошлари, овсинлар, қўни-қўшни, иш жойида бўлса, раҳбари ва бошқалардан ҳимоя қилиниши учун берилади. Шунингдек профилактика инспекторлари ҳимоя ордери билан ўрнатилган чекловларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориб, талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

Қонунда “ҳимоя ордери - тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат” деб кўрсатилган [8]. Лекин ҳимоя ордерини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва мазмунини ёритиш керак бўлади. Чунки аксарият ҳолларда, аҳоли ҳимоя ордерини жазо ҳужжати сифатида тушунишади.

Ҳимоя ордерининг асосий мазмуни зўравонлик содир этган шахсга ҳам ва жабрланувчига ҳам можародан чиқиш йўлини топиши учун вақт бериш ва жабрланувчини давлат ҳимояси орқали хавфсиз вазиятга ўтказишдир. Шунингдек, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада шаклланиши ҳимоя ордерининг янада самарали таъсир кўрсатишини оширади. Ушбу жараён зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий –психологик ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга, чунки шахс ўзини хавфсиз муҳитда эканлигини англаб етгандагина, бошқа кўрсатилаётган ёрдамни қабул қилишга тайёр бўлади.

Ҳимоя ордери ўз моҳиятига кўра маъмурий ёки жиноий жазо эмас, балки ҳақиқатан ҳам томонларнинг вақтинча ажралишини таъминлайдиган оралик процессуал актдир. Ички ишлар ходими ёки профилактика инспектори томонидан мурожаатни ўрганиш жараёнида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини тасдиқлаши лозим. Бу вазиятда зўравон шахсга нисбатан айблов қўйилмайди, балки жабрланувчига нисбатан муайян ҳаракатлари чекланади.

Ҳимоя ордерини чиқаришда айб ва жавобгарлик масаласи ҳал қилинмайди, балки томонларни қонуний йўл тутишга чақирилади. Ҳимоя ордерида кўрсатилган чекловларни бузиш маъмурий жавобгарликка олиб келади. Ушбу ҳимоя ордери муддатида жабрланувчига нисбатан тан жароҳатини етказиш ҳолатида жиноий жавобгарликка тортилади. Амалдаги тартибга мувофиқ, тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади. Лекин, бу муддат ўтгандан кейин улар билан ишлаш тизимида бўшлиқ бўлиб қолган. Бу ҳолат эса оилада зўравонликнинг яна қайтарилишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Бир қатор мамлакатларда, амалдаги қонунчиликка асосланиб, оиладаги зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш усуллари ҳам турлича. Қонунлар билан ҳимояланган шахслар қамрови етарли даражада кенг бўлиб, масалан, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикасида у ўз ичига оила аъзоларидан ташқари собиқ эр-хотинларни, никоҳсиз бирга яшовчиларни олади [9].

Ҳимоя ордери жабрланувчига нисбатан зўравонлик қилишни таъқиқловчи ва жабрланувчи билан алоқага киришни таъқиқловчи чекловларни ўз ичига олади, лекин бир қанча давлатларда бундай чекловлар рўйхати тўлдирилган. Масалан, Қирғизистон Республикасининг қонунчилигида юқорида қайд этилган чора-тадбирлар кўриқлаш ордери муддати узайтирилган тақдирда тўлдирилиши мумкин. Бунда Ҳукумат томонидан зўравонлик

ҳатти-ҳаракатларини ўзгартириш бўйича тасдиқланган коррекцион дастурдан ўтиш каби чоралар билан тўлдирилиши мумкин.

Тожикистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳимоя чоралари амалга оширилиши даври мобайнида спиртли ичимликлар ва онгни заҳарловчи воситалар истеъмол қилиниши таъқиқланади [10].

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистондаги барча хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Оиладаги зўравонлик бўйича махсус қонунчиликнинг стратегиясини тушуниш, уни қўллашнинг муваффақиятли амалиётини шакллантириш ва жамоатчилик билан маслаҳатлашиш, зўравонликка қарши самарали чоралар тўғрисида мутасадди ташкилотларни хабардор қилиш зарур.

Аҳоли томонидан Ҳимоя ордерининг асл мазмун ва моҳиятини тўлиқ тушуниб етилмагани аввало ҳуқуқий маданиятнинг шаклланмаганлиги ва умуман қонунчиликни ўрганиш жуда сустигидандир. “Ҳимоя ордери ҳақида биласизми” мавзусидаги онлайн сўровномада Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябридаги ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳақида маълумотга эгамисиз?” саволига 50% ҳа, қисман ва 43,1% йўқ, деб жавоб берганлар.

“Ҳимоя ордерини бериш тартиби қандай кечади?” саволига 63,1% жавоб беришим қийин, деб жавоб берганлар. Шунингдек, “Ижтимоий ёки руҳий кўмак бериш марказлари фаолияти тўғрисида қаердан маълумот олгансиз?” деган саволга жавоблар таҳлилидан маълум бўладики, бугунги кунда аҳоли асосан “ТВ, радио, ОАВ” (21,9%), интернет ва ижтимоий тармоқлар (21,8%) ҳамда “тарғибот тадбирлари” (21,4%) орқали марказлар фаолиятдан хабардор бўлмоқдалар. Респондентларнинг ҳар бештадан бири (20,1%) “бундай марказлар борлигидан” мутлақо беҳабар эканликларини маълум қилганлар.

Ижтимоий-психологик ёрдам бериш марказларининг қайси йўналиш фаолияти сизни қониқтирмайди? саволига респондентларнинг 9,2% ижтимоий, 9,7% психологик, 17,1% ҳуқуқий, 15,1% тиббий йўналишларини белгилаганлар.

Бугунги кунда оилавий зўравонликдан жабрланган хотин-қизларда кўпроқ “бепул психолог маслаҳати” (32,7%) ҳамда “бепул юрист маслаҳати” (26,1%) хизматларига эҳтиёж катта эканлиги маълум бўлмоқда. Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, реабилитация марказлари зўравонликка учраган шахсларга айнан ушбу хизматларни кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади.

Кўриниб турибки, респондентларнинг Қонун билан тўлиқ танишиш муҳим ва бу ижтимоий – психологик ёрдам олиш олиш учун мурожаат этишга олиб келади.

Ўзбекистонда ҳимоя ордерини қўлланилиши албатта жамоатчиликда турлича фикрларни юзага келтирмоқда: - оилавий зўравонлик ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас, улар шу эр билан яшашни ўзи танлаган, ўзи ҳал қилмаса, ҳеч қайси қонун уларга ёрдам бера олмайди ёки жиноят қонунчилиги мавжуд, у ерда ҳамма нарса ёзилган, нима учун зўравонлик тўғрисидаги алоҳида Қонун ёки ҳимоя ордери керак, деб мулоҳаза юритадилар. Кейинги гуруҳ - қонун учун курашчилар, улар зўравонлик қурбонлари, уларнинг яқинлари ёки жамиятда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни ўзларининг фуқаролик бурчлари, деб ишонадилар. Ва учинчи гуруҳ - ҳимоя ордери берилишига нисбатан ашаддий қарши позицияда туриб, диний ва миллий кадриятларни байроқ қилиб олиб, динимизга, миллий урф-одатларимизга тўғри келмайди деб жар солишсада лекин аслида “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни, ҳимоя ордерининг мазмун ва моҳиятини билмайдилар.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.

- халқаро тажрибаларга таянган ҳолда, жамиятда фуқаролар ўртасидаги зўравонликларни бартараф этиш учун ушбу жараённинг муҳим элементи бўлган “зулм занжири”ни узишга қаратилган фаолиятни кучайтириш;

- жамиятда “зўравонлик” тушунчасининг турлича талқин қилинишини олдини олиш мақсадида қонунчиликка ўзгариш киритиш орқали, ушбу тушунчанинг ягона таърифини ишлаб чиқиш ва шу орқали жамиятда ягона тушунчани шакллантиришга эришиш;

- низоли вазиятларда ўзининг ижтимоий-иқтисодий мавқеига кўра кўпинча қуйи позицияда қолиб кетаётган аёллар ўртасида низодан қутулишнинг муқобил варианты сифатида “хуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш”, “МФЙ фаолларига мурожаат қилиш”, “Реабилитация марказларига мурожаат қилиш” имкониятлари тўғрисида маълумот берувчи услубий қўлланмалар, жумладан электрон тармоқлар орқали ҳам кенг тарғиб қилиш;

- Реабилитация марказлари ҳамда ИИВ имкониятаридан кенг фойдаланган ҳолда, оилавий зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш ва хотин-қизларга ўз вақтида ҳуқуқий ва ижтимоий – психологик ёрдам бериш мақсадида уларга профессионал психологик ва ҳуқуқий ёрдам олиш, бепул маслаҳат олиш имкониятларини яратиб бериш;

- Оилавий зўравонликка учраган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни профессионал даражага олиб чиқиш учун улар билан иш олиб борадиган органлар, биринчи навбатда реабилитация марказларида алоҳида “Ижтимоий ходим” штат бирлигини жорий қилиш;

- жабрдийдаларнинг психологик хизматга эҳтиёжи ниҳоятда катта эканлигини эътиборга олган ҳолда, ННТларга грантлар ажратиш орқали ҳамда хусусий фаолият юритувчи психологларни ҳомийлик асосида ушбу фаолиятга жалб этиш;

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш борасида аҳоли орасида оилавий зўравонликка учраган шахсларга ҳимоя ордерини беришнинг аҳамияти ва албатта ижтимоий психологик ёрдам олиш учун мурожаат этишлари муҳимлигини тушунтириш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. SIGI_Booklet-web-version.pdf // https://www.genderindex.org/wp-content/uploads/2019/03/SIGI_Booklet-web-version.pdf
2. Пискалова М., Синельников А. Анатомия насилия. Социальному работнику о проблеме домашнего насилия. – М.: Проспект, 2001. -378 с.
3. Шестаков Д. А. Об одном из аспектов криминогенной ситуации // Вестник ЛГУ, 1976, - N 11. – С. 116–121.
4. “Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш” тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 314-347.
5. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни. Манба: <https://www.lex.uz/>
6. 2021 йилда зўравонликдан азият чеккан неча нафар аёлга ҳимоя ордери берилган?// <https://uza.uz>. Мурожаат этилган сана: 14 02.01.2022 й.
7. Қўлланма: Ҳимоя ордерини қандай олиш мумкин? // <https://www.gazeta.uz/uz>
8. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни. Манба: <https://www.lex.uz/>
9. Закон Кыргызской республики “Об охране и защите от семейного насилия” от 27 апреля 2017 года № 63. Источник: <http://cbd.minjust.gov.kg/>, Закон Республики Казахстан “О профилактике бытового насилия” 4 декабря 2009 года № 214-IV/ Источник: <https://online.zakon.kz/>
10. Закон республики Таджикистан “О предупреждении насилия в семье” от 19 марта 2013 года №954. Источник: <http://swww.ilo.org.dy>

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

VOLUME 6, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000